

Ақийда фасллари

[Ўзбекча – Uzbek – اوزبكي]

Абдулазиз ибн Марзуқ ат-Торийфий

Таржимон: *Абу Абдуллоҳ Шоший*

Нашрга тайёрловчи: *Шамсиддин Даргомий*

2014 - 1435

IslamHouse.com

﴿ فصول في العقيدة ﴾

« باللغة الأوزبكية »

عبد العزيز بن مرزوق الطريفي

ترجمة: أبو عبد الله الشاشي

مراجعة: شمس الدين درغامي

2014 - 1435

IslamHouse.com

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Муқаддима

Барча мақтовга ҳақли бўлган Оллоҳга ҳамду сано бўлсин, Унинг мақтовга лойиқ фазилатлари ҳам, мақтови ҳам чексиз, барча фазилатнинг аввали ва охири Унга хосдир.

Гувоҳлик бераманки, Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У ягонадир, Унинг на ўхшаши, на тенги бор, У шериксиз ва мислсиздир.

Ва гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Унинг бандаси ва расулидир, унга ва аҳли-оиласи ҳамда саҳобаларига Оллоҳнинг салоту саломи бўлсин.

Бу "*Мухтасар ақийда*" бўлиб, уни Шом халқига атаб ёздим, улар насронийлар мустамлакаси, сўнгра ботиний тоифалар ҳукмида қарийиб бир асрга яқин муддат қолгандан кейин, ўз ерлари ва диёрларига эга бўлмоқдалар, бунинг ортидан фитналар, Ислом асоси ва унинг бошқа тармоқларида ўзгаришлар юзага келди.

Шом аҳли ва айримлар, мендан ҳисоб куни-қиёматда банда у ҳақида сўраладиган, Оллоҳнинг бандалари устидаги ҳаққи, Нух ва ундан кейин келган пайғамбарлар унга васият қилган, у билан уммийлар пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган Ислом рисолати унинг якуни бўлиб келган иш хусусида жавоб ёзишимни сўрадилар: **"У зот сизларга дин этиб Ўзи Нухга васият қилган ва сенга ваҳий қилган нарсамизни ҳамда Иброҳим, Мусо ва Исога васият қилган нарсамизни шариат қилди. «Динни барпо қилингиз ва унда тафриқага тушмангиз», деди"**. (Шуро: 13).

Нафслар семириб ҳою-ҳавас кўпайди, ҳою-ҳавас ортиши билан ҳар хил фикрлар пайдо бўлди, фикрлар кўпайиши билан тоифалар ва фирқалар тарқалди. Араб тили ўз эгалари-ю, бошқа миллатларда ҳам заифлашиши билан таъвил ва шубҳаларга ишонтириш, оятлар ва ҳадислардан ўзларича йўл топиб олиш осонлашди. Бу нарсалар бошланғич асрдаги илк фирқаларга мумкин бўлган бўлса, шаҳват ва шубҳа мавжуд экан, улардан кейингиларга янада енгилроқ ва қулайдир. Чунки шубҳали фикрлар аслида нафс мойиллиги бўлиб, сўнгра у шубҳага айланади, кейин у етакчи мазҳаб

бўлади, одамлар унинг келиб чиқишидан беҳабар охириги ҳолатига эргашадилар. Оллоҳ таоло деди: **"Ҳар қачон бир Пайғамбар сизнинг ҳавою нафсингизга ёқмайдиган нарса келтирса, мутакаббирлик қилиб, бировини ёлғончи деб, бировини ўлдираве- расизларми?!".** (Бақара: 87).

Оллоҳ таоло оятда нафсу-ҳавони кибрга айланиб, сўнгра ёлғонга чиқариш ва адоватга ўтганини зикр қилди. Ҳар бир умматда адашган фирқалар ва фикрлар мана шундай юзага келади.

Оллоҳ таоло пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳақни ва ҳидоятни туширди, ким соф ҳидоятни истаса, ақллар уни лойқала- тишидан олдинги биринчи манбаъларидан олсин. Ваҳий сувга ўхшаса, ақллар идиш мисолидир. Оллоҳ ваҳийни тушириб, уни пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам қалбига солди, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни саҳобаларига, саҳобалар эса тобеинларга ўтказди. Ваҳий пайғамбардан қанча узоклашса, ундаги кирлик ўшанча зиёда бўлди. Идишларнинг энг соғломи ва энг мусаффоси биринчи идишдир, у Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам, сўнгра саҳобалардир. Имом Муслим "Саҳих"ида Абу Мусодан ривоят

қилди, у деди: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *"Мен асҳобимдан хотиржамман, агар мен кетсам, ваъда қилинган нарсани асҳобим охирига етказади. Асҳобим умматимдан хотиржам, агар асҳобим кетса, умматим ваъда қилинган нарсани етказади"*¹.

Дин фақат китоб ва суннатдан иборат ваҳийдан олинади: **"У зот хат-саводсизлар ичидан уларга Унинг оятларини ўқиб берадиган ва уларни поқлайдиган ҳамда китобни ва ҳикматни ўргатадиган Пайғамбарни юборди"**. (Жумъа: 2).

Динда у иккисидан бўлмаган барча илм жаҳолатдир.

Ваҳийни энг тўғри тушуниш саҳобалар разияллоҳу анҳумнинг тушунишларидир. Биз ваҳий унга далолат қилган, унда саҳобаларнинг тушунчалари бир хил бўлган ва фазилатли асрлар унга ижмоъ қилган нарсани гапирувчимиз.

Шунга асосланиб айтамыз:

1 Муслим ривояти, (2531).

Биринчи фасл

Ислом – Оллоҳнинг бирдан-бир динидир. Бандалари – инсонлар ва жинлардан ундан бошқасини қабул қилмайди, Оллоҳ таоло деди: **"Кимда-ким Исломдан бошқа динни истаса, бас, ундан бу ҳаргиз қабул қилинмас ва у охиратда зиён кўргувчилардан бўлади"**. (Оли Имрон: 85).

"Албатта Оллоҳ наздида мақбул бўладиган дин фақат Ислом динидир". (Оли Имрон: 19).

Ислом – барча пайғамбарларнинг динидир, Оллоҳ таоло деди: **"(Эй Муҳаммад), Биз сиздан илгари юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Менгина бордирман, бас Менгагина ибодат қилинг- лар», деб ваҳий юборгандирмиз"**. (Анбиё: 25).

Оллоҳ таоло деди: **"(Эй Муҳаммад), албатта Биз Нухга ва ундан кейинги пайғамбарларга ваҳий юборганимиз каби сизга ҳам ваҳий юбордик. Яна Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг уруғ-авлоди, Исо, Айюб, Юнус, Ҳорун ва Сулаймон пайғамбарларга ҳам ваҳий**

юборганмиз. Довудга Забурни ато этдик. Айрим пайғамбарлар хақида сизга илгари ҳикоя қилдик, айрим пайғамбарларни эса сизга ҳикоя қилганимиз йўқ. Мусо билан Оллоҳнинг Ўзи (бевосита) гаплашди. Токи бу пайғамбарлар ўтганларидан кейин одамлар учун Оллоҳга қарши ҳужжат бўлиб қолмаслиги учун пайғамбарларни (мўминларга жаннат хақида) хушхабар элтувчи ва (кофирларни дўзах азобидан) кўрқитувчи қилиб юбордик. Оллоҳ қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир". (Нисо: 163, 165).

Оллоҳ таоло пайғамбарига Нухни, Иброҳим, Исҳоқ, Яъқуб, Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо, Ҳорун, Закариё, Яҳё, Исо, Илёс, Исмоил, Ал-Ясаъ, Юнус ва Лутни зикр қилгандан кейин, **"Ана ўшалар Оллоҳ ҳидоят қилган зотлардир. Бас, ўшаларнинг йўлларигагина эргашинг!"**, деди. (Анъом: 90).

Пайғамбарларнинг дини асосларида бир-бирига мос бўлиб, баъзи фаръий (иккиламчи) бўлимларида фарқ қилади. Фаръий бўлимлар ўзгарсада, асллари ўзгармайди. Оллоҳ бани Исроилга Мусо ва Исони юборди. Оллоҳ Мусога туширилган Тавротда келган баъзи нарсаларни Исога туширилган Инжил

билан насх қилди-ҳукмини бекор қилди. Исо қавмига шундай деди: "(Мен) **сизларга ўзимдан олдинги Тавротнинг** (ҳақ эканлигини) **тасдиқловчи бўлган ҳолда, сизлар учун ҳаром қилинган айрим нарсаларни ҳалол қилиш учун** (келдим). **Ва сизларга Раббингиздан оят-далил келтир- дим. Бас, Оллоҳдан кўрқингиз ва менга итоат қилингиз!"**. (Оли Имрон: 50).

Мусо ҳам, Исо ҳам битта умматга юборилган пайғамбардирлар, шунга қарамай баъзи фаръий масалаларда ўзгача фикрда бўлдилар. Энди бошқа пайғамбарларнинг олиб келган нарсаларидаги фарқни хулоса қилиб олинг.

Сўнгра бирорта шариат қолмай, ҳаммасига таҳриф (нотуғри талқин) кирди, Оллоҳ таоло деди: "**Улардан бир гуруҳлари борки, сизлар китобдан бўлмаган нарсани китобдан деб ўйлашингиз учун, китобни тилларини буриб ўқирлар. Ва: «У Оллоҳнинг ҳузуридан дир», дерлар. Ҳолбуки, у Оллоҳнинг ҳузуридан эмас. Улар билиб туриб Оллоҳ ҳақида ёлғон сўзларлар"**. (Оли Имрон: 78).

"Яҳудий бўлганлар орасида калималарни ўз ўрнидан бузиб-ўзгартирувчилар бор". (Нисо: 46).

Омма инсонлар билан –Оллоҳ хоҳлаганидек– ҳаққа олиб борадиган йўлнинг ораси тўсилди. Бунинг тўғриланиш йўли: янги пайғамбар жўнатилишидир. Оллоҳ ҳақ динини Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар қилиш билан қайта тиклади. Унинг динидан бошқа на Ислом ва на Ҳақ дин бор: **"Кимда-ким Исломдан бошқа динни истаса, бас, ундан бу ҳаргиз қабул қилинмас ва у охиратда зиён кўргувчилардан бўлади"**. (Оли Имрон: 85).

Оллоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолатини умматларнинг ҳаммаси: инсу-жинга ва арабу-ажамга умумий қилди, "(Эй Муҳаммад), **Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга:** (мўминларга жаннат ҳақида) **хушхабар элтгувчи,** (кофирларни эса дўзах азобидан) **огоҳлантиргувчи бўлган ҳолингиз- да, пайғамбар қилиб юбордик"**. (Сабаъ: 28).

"Саҳих"да Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *"Муҳаммаднинг жони Унинг қўлида бўлган зотга қасам ичиб айтаман-ки, бу миллатдан бирон-бир яҳудий ва насроний мен ҳақимда эшитса-ю, кейин мен олиб келган нарсага*

иймон келтирмасдан ўлса, албатта у дўзах аҳлидан бўлади"¹.

Оллоҳ қуръонни бузилиш ва ўзгартирилишдан сақлади: **"Албатта бу эслатмани (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз"**. (Хижр: 9).

1 Муслим ривояти, (153).

Иккинчи фасл

Исломни ва ундаги Оллоҳнинг муродини фақат Унинг Ўзи китобида ва пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатида изоҳлайди ва баён қилади. Инсонлар ичида Оллоҳнинг пайғамбаридан улуғроқ бирор киши йўқ, шунга қарамай, у фақат Раббисидан хабар етказувчи бўлди, холос, Оллоҳ таоло деди: **"Эй пайғамбар, сизга Раббингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг!"**. (Моида: 67).

Пайғамбарнинг зиммасида етказиш билан баён қилиш бордир, Оллоҳ деди: **"Пайғамбарнинг зиммасида очиқ-ойдин етказишдан бошқа нарса йўқ"**. (Нур: 54).

Сўнгра баён қилиш ҳам Оллоҳ тарафидандир: **"Бас, Биз уни ўқисак, қироатига зеҳн солиб тур. Сўнгра уни — Қуръонни баён қилиб бериш ҳам албатта Бизнинг зиммамиздандир"**. (Қиёмат: 18, 19).

Суннат Оллоҳ тарафидан пайғамбарига ваҳийдир: **"Ва у ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас. У фақат (Оллоҳ томонидан пайғамбарга)**

вахий қилинаётган (туширилаётган) бир ваҳийдир". (Нажм: 3, 4).

Агар пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бирор савол ҳақида сўралсалар, у кишида Раббисидан келган жавоб бўлса, жавоб берганлар, йўқса ваҳийни кутганлар.

Пайғамбарнинг тушунчасига одамларнинг энг яқинлари саҳобалардир. Уларнинг қуръондан тушунганлари ҳужжатдир. Кимки динда Оллоҳдан бошқа бирортаси ҳалол ёки ҳаром ҳукмини чиқара олади, деса, ҳукмда Оллоҳга шерик қилган бўлади, бунинг куфр ва ширк эканлигида эса ихтилоф йўқдир.

Оллоҳ китобини нозил қиларкан, албатта каломида ирода қилган бир маъно бордир. Унинг муродини фақат Ўзи ва бандаларидан ўзи унга изн берган кишигина тафсир қила олади.

Қуръонга назар солган киши икки шарт билан ундан истинбот-маъно чиқариши мумкин:

Биринчи: Сўз таркиби ва сўзларда араб тили ўринларидан ташқарига чиқмаслиги.

Иккинчи: Қуръонда собит бўлган очиқ маънога муҳолиф бўлмаслиги.

Оллоҳга нисбатланган ҳамма нарса Оллоҳга хосдир, аҳли китоблар хулоса чиқаришга ҳаракат қилиш, муташобихини бузиш учун муҳкам (очиқ-ойдин) бўлганини маъносини буриш билан залолатга кетдилар. Оллоҳ аҳли китоблар ҳақида шундай деди: **"Улардан бир гуруҳлари борки, сизлар китобдан бўлмаган нарсани китобдан деб ўйлашингиз учун, китобни тилларини буриб ўқирлар. Ва: «У Оллоҳнинг ҳузуридандир», дерлар. Ҳолбуки, у Оллоҳнинг ҳузуридан эмас. Улар билиб туриб Оллоҳ ҳақида ёлғон сўзларлар".** (Оли Имрон: 78).

"Китобни тилларини буриб ўқирлар", деди. Бошқасидан эмас, "китобдан деб ўйлашингиз

учун", –унга жуда яқин бўлгани учун– ундан адаштиришда диққат-эътиборли бўлдилар.

Учинчи фасл

Оллоҳнинг ҳаққи. Ибодатнинг барча турларини фақат Оллоҳ таолога атаб қилиш. Оллоҳ таоло айтадики: **"Ва илоҳингиз ягона илоҳдир. Раҳмон ва Раҳим бўлмиш Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқдир"**. (Бақара: 163).

Қалб, тил ва аъзолар билан қилинадиган ибодатларда У билан бирга бирортаси шерик қилинмайди, Оллоҳ таоло деди: **"Ва Оллоҳга ибодат қилинглар ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар!"**. (Нисо: 36).

Катта ширк инсоннинг бирорта ҳам ҳасанотини қолдирмай, йўқ қилади: **"Батаҳқиқ, сенга ва сендан олдин ўтганларга ҳам: «Агар ширк келтирсанг, албатта, амалинг беҳуда кетур ва албатта, зиёнкорлардан бўлурсан», деб ваҳий қилинган"**. (Зумар: 65).

Бу хитоб Ўз пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтилган бўлса, энди ундан бошқаларни гапирмаса ҳам бўлаверади!

Оллоҳ ширк қилган бандасининг ширкини кечирмайди, фақат тавба қилсагина кечиради:

"Албатта Оллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур". (Нисо: 48).

"Албатта куфр келтирганлар ва Оллоҳнинг йўлидан тўсган, сўнгра кофир ҳолларида ўлганларни Оллоҳ ҳеч-ҳеч мағфират қилмас". (Муҳаммад: 34).

Кимда-ким кофир бўлган ҳолда ўлса, унинг жойи дазахда бўлади, Оллоҳ деди: **"Сиздан кимки диндан қайтиб, кофир ҳолида ўлиб кетса, ундай кимсаларнинг қилган амаллари дунёю охиратда беҳуда кетур. Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолгувчилардир". (Бақара: 217).**

"Куфр йўлига кириб, кофир ҳолида ўлиб кетган кимсалар, шубҳасиз Оллоҳнинг ва жамики фаришта ва одамларнинг лаънатига дучор бўлғайлар ва азоблари енгиллатил- маган, раҳмат назаридан баҳраманд бўлмаган ҳолларида абадий (жаҳаннамда) қолғайлар". (Бақара: 161, 162).

Баъзан кофир, ҳаётида одамларга манфаати тегувчи инсон бўлиши мумкин, у Оллоҳ томонидан бу ҳолатга табиий суратда мусаххар қилиб қўйилган, унинг хизмат қилиши худди қуёш, ой, шамол ва булутлар сингари бошқа манфаати тегувчи нарсаларнинг мусаххар бўлгани кабидир. Ваҳоланки, улар одамларга янада манфаатлироқдир. Куфр эса, Оллоҳга куфр келтириш билан юзага келади, табиатга кофир бўлиш билан эмас. Жазо ҳам Оллоҳнинг ҳаққини инкор қилиш билан воқеъ бўлади, табиатнинг ҳаққини инкорига эмас.

давоми бор...

Тўртинчи фасл

Иймон ва куфр. Улар Оллоҳнинг Ўзи туширган икки исм ва ҳукмдир. Бирор киши, далил ва очиқ ҳужжатсиз кофирга чиқарилмайди. Ер юзидаги барча одамлар икки қисм: мўминлар ва кофирларга бўлинади, учинчи қисми йўқ. Оллоҳ таоло деди: "**У сизларни яратган зотдир. Бас, сизлардан (айримларингиз) кофир, сизлардан (айрим- ларингиз) мўминдир**". (Тағобун: 2).

Оллоҳ уларнинг ҳукмларини Ўзининг китобида ва пайғамбарининг суннатида нозил қилган.

Мунофиқларга келсак, улар ё куфрларини ичларига яшириб, иймонларини ташқи суратда кўрсатган кофирдирлар. Худди Оллоҳга, расулига ва китобларига иймон келтирган кўриниш беради-ю, бироқ ичидан уларни инкор қилган кишига ўхшаш. Мана шу катта нифокдир.

Ёки тоатларини ташқарига кўрсатиб, ичларида маъсиятларини сақлаган мусулмон- дирлар. Аҳдга вафо қилишни зоҳирида даъво қилиб, ботинида хиёнатни яширган кимсага ўхшаш. Бу эса, кичик нифокдир. Мунофиқларга уларнинг зоҳирларига

караб, улардан нима зоҳир бўлса, ўшанга яраша муслмонларга қилинган муомала қилинади.

Аслида мўминнинг қони-ю, моли харомдир.

Кофирники эса, ҳалолдир. Лекин бу мутлақ қоида эмас, баъзан кофир аҳд, бошпана ва зиммийлик сабабли ҳимоя қилинади. Мўмин эса, қотиллиги ва уйлангандан кейинги зиноси каби гуноҳи учун ўлдирилади.

Оллоҳ ва расули кофир деган кимсанигина куфрга чиқариш мумкин:

- Оллоҳни ёки Унинг расулини йўққа чиқариш;
- Ёки Оллоҳ ва расулини масхара қилиш;

"Айтинг: «Оллоҳдан, Унинг оятларидан, Унинг пайғамбаридан куладиган бўлдингизми?». Узр айтманглар! Сизлар иймон келтирганингиздан сўнг яна куфрга қайтдингиз. Агар сизлардан бир тоифани (чин ихлос билан тавба қилганлари учун) **афв** қилсак, бошқа бир тоифани жиноятчи бўлганликлари сабабли азоблаймиз". (Тавба: 65, 66).

- Ёки қайсарлик қилиб, уларга итотсизлик этгани;
- Ёки Ислом аҳкомлардан бўлган қатъий ҳукмни инкор қилгани;
- Ёки Оллоҳга ёлғон тўқигани;

"Ёлғон сўзларни фақат Оллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиган кимсаларгина тўқурлар. Ана ўшаларнинг ўзлари ёлғончидирлар". (Наҳл: 105).

"Оллоҳ шаънига ёлғон тўқиган ёки Ҳақ – Қуръон келган чоғида уни ёлғон деган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Жаҳаннамда кофир кимсалар чун жой топилмасми?!". (Анкабут: 68).

Оятдаги зулм, куфр деб тафсир қилинган.

- Ёки ибодатни Оллоҳдан бошқага қилгани;

"Ким ўзи учун ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган ҳолда Оллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга илтижо қилса, бас унинг ҳисоб-китоби Парвардигорининг ҳузурида бўлур. Албатта кофир бўлган кимсалар нажот топмаслар". (Муъминун: 167).

Бу борада ибодатни:

□ Оллоҳдан бошқа учун холис қиладими ёки илоҳларни восита қиладими, бунинг барчаси куфрдир. Оллоҳ таоло айтадики: **"Улар Оллоҳни қўйиб, ўзларига зиён ҳам, фойда ҳам етказа олмайдиган нарсаларга ибодат қиладилар ва: «Ана шу нарсалар Оллоҳ хузурида бизларнинг оқловчиларимиз», дейдилар. Айтнинг: «Оллоҳга осмонлар ва ердаги У зот билмайдиган нарсаларни (шерикларни) билдириб қўймоқчимисиз-лар?!». Оллоҳ уларнинг (мушрикларнинг) ширкларидан пок ва юксак бўлган зотдир"**. (Юнус: 18).

□ Ҳукм ва қонун чиқаришда Оллоҳнинг ҳаққи каби, фақат Оллоҳнинг Ўзига хос бўлган нарсаларни Оллоҳдан бошқага қилиш. Аслида ҳалол-ҳаром деб ҳукм қилиш Оллоҳнинг ҳаққидир, шунинг учун Оллоҳ ҳукм ва қонун чиқаришни ибодат деб атади: **"Ҳукм қилиш фақат Оллоҳнинг Ўзига хосдир, У фақат Ўзигагина ибодат қилишингизни амр этди"**. (Юсуф: 40).

□ Ёки сеҳр ва мунажжимлик илми сингари ғайб илмини Оллоҳдан бошқаси ҳам

билади, деб даъво қилса, **"Айтинг: «Осмонлар ва ердаги бирон кимса ғайбни билмас, магар Оллоҳгина (билур)»**. (Намл: 65).

□ Ёки борлиқ, ҳаёт ва ўлим билан яратиш ва тасарруф қилишни даъво қилганни, **"Ё улар Оллоҳ яратгани каби ярата оладиган бутларни У зотга шерик қилишиб олиб, сўнгра уларга яратилган нарсалар (Оллоҳ яратганми ёки сиғинаётган бутлари яратганми) номаълум бўлиб қолдими? Айтинг: «Оллоҳ барча нарсани яратгувчидир ва У танҳо ғолибдир»**. (Раъд: 16).

□ Мўминларни кўйиб, кофирларга муҳаббат қилиб, ёрдам бериб уларни ўзига дўст тутиб олган кимсани куфрга нисбат берилади. Оллоҳ таоло деди: **"Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир"**. (Моида: 51).

Ким Исломни танишга имкони бўлатуриб уни тарк қилиб, ўз ихтиёри билан ундан юз ўгирса, у агарчи ҳақиқатан жоҳил бўлса ҳам кофирдир. Чунки у, жоҳиллигини ўзидан кетказиши мумкин эди, лекин бундай қилмади. Шунинг учун Оллоҳ таоло мушриклар ҳақида деди: **"Йўқ, уларнинг аксарияти Ҳақиқатни билмай туриб, (Ундан) юз ўгирувчилардир"**. (Анбиё: 24). Оллоҳ уларнинг

жоҳил эканликларини, бироқ ўз ихтиёрлари билан жоҳил бўлганларини зикр қилди.

Оллоҳ таоло ушбу оятда: **"Кофир бўлган кимсалар эса ўзлари огоҳлантирилган нарсадан (яъни Охиратдаги азобдан) юз ўгирувчидирлар (уни инкор қилгувчидирлар)"**, деди. (Ахкоф: 3).

Инсон ҳақни эшитиб, ундан юз ўгириши туфайли ҳақнинг тафсилотларидан беҳабар қолиши узрга ўтмайди. Бу ҳолат умматлар залолатининг аксариятини ташкил қилади, чунки улар ҳақнинг баъзи тарафини эшитадилар, сўнгра унинг тафсилотларидан кўз юмиб юз ўгирадилар.

Коинотдаги ва шаръий далилларга безътиборчилик аксарият кофирларнинг хислатидандир, **"Осмонлар ва ерда (Оллоҳнинг борлиги ва бирлигига далолат қилгувчи) қанчадан-қанча оят-аломатлар бордир. (Лекин) улар бу оятлардан юз ўгирган ҳолларида ўтиб кетаверадилар"**. (Юсуф: 105).

"Йўқ, Биз улар учун эслатма келтирдик, Улар эса ўзларига (келган) эслатмадан юз ўгиргувчидирлар". (Муъминун: 71).

Баъзи нарсаларни била туриб кўз юмиш, одамлар орасидаги ҳақ-ҳуқуқларни соқит қилмайди-ю, Оллоҳ таолонинг ҳаққини соқит қиладимми?!

Ақл агар коинот аломатлари қаршисида тўхтаб мулоҳаза қилмаса, қанча шошилса шунча аломат мақсадларини бой беради. Кейин унга ҳар кун кўриладиган, далолати ҳайратда қолдирадиган қувватга эга аломат бўлса ҳам фойда бермайди: **"Биз осмонни қулаб тушмайдиган том қилиб кўйдик. Улар эса (осмондаги ой, қуёш, юлдуз каби Оллоҳнинг кудратини кўрсатиб турган) аломатлардан юз ўгирувчидирлар"**. (Анбиё: 32).

Инсон ҳақиқат тафсилотларидан кўз юмиб, уни орқага отиши, унинг масъулиятдан қутқаради, деб ўйлаб хато қилади.

Юз ўгиришнинг сабаби, мутакаббирлик, бефарқлик ёки кайфу-сафодир. Шунинг учун ҳам унга мусибат келса, кибрини кетказиб, роҳатини йўқотиб кўяди-да, ҳақни кўриб, унга қайтади.

Бешинчи фасл

Иймон – сўз, амал ва эътиқоддан иборат, бу учаласи бир бўлиб иймонни ташкил қилади. Гўё шом намози уч ракаат бўлиб, агар ундан бир ракаат кам бўлса, шом намози дейилмаганига ўхшайди. Иймондан ҳам сўз ёки амал ёда эътиқоддан бири бўлмаса, иймон дейилмайди.

Биз бу уч нарсани иймоннинг шарти ҳам, вожиби ҳам, рукни ҳам демаймиз, агарчи бу истилоҳларнинг айримлари тўғри маънони англатса ҳам, уларнинг баъзилари нотўғри натижага олиб келиши мумкин.

Бу уч нарса, уччаласидан бирининг бўлмаслиги иймоннинг бўлмаслигига олиб келадиган нарсаларнинг ҳақиқати, шариатул-Муҳаммадийя у билан ўзига хос равишда ажралиб турадиган нарсадир. Эътиқоддан кўзланган мурод, одамларга яхшилиқни раво кўриш ва адоватдан саломат қолиш эмас, аслида бу аксарият одамлар -агар яратувчи Зотнинг борлигига ишонмаса ҳам- унга мойил бўлган нарсадир. Балки ундан кўзланган мурод: қалб сўзи ва унинг амалидир.

Қалб сўзи – Оллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад Оллоҳнинг расулидир ва унга

Раббисидан келган барча нарса ҳақдир, деб тасдиқлаш-гувоҳлик беришдир.

Қалб амали – Оллоҳни, пайғамбарини ва Ислом динини яхши кўришдир. Яна Оллоҳ ва расули яхши кўрган нарсаларни яхши кўриб, ибодатда Оллоҳга ихлос қилишлиқдир.

Сўз эса – ростгўйлик, ота-онага мулойим гапириш, салом бериш, адашганга йўл кўрсатишга ўхшаган умумий ширинсуханликка чекланиб қолмаган, чунки булар барча инсон, ҳатто Оллоҳнинг борлигини инкор қилувчи кофир ҳам хуш кўрадиган нарсалардир.

Сўздан мурод, у билан Рисотул-Муҳаммадийя алоҳида ажралиб турган нарсадир. Унинг энг олийси, икки шаҳодатни нутқ қилиш, тасбеҳ ва такбирдир.

Амал ҳам ота-онага яхшилик қилиш, мазлумга ёрдам бериш ва меҳмонни сийлашга ўхшаш умумий эзгу амалларга чекланмаган, чунки булар иймон бўлмаса ҳам нафс унга мойил бўладиган нарсалардир.

Амалдан мурод, етказиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга хос бўлган намоз, закот, рўза, ҳаж ва шу кабилардир.

Самовий рисолатларнинг барчаси ҳамоҳанг бўлган ва фитрат уларга ундаган амаллар, одамларга яхшилик қилишни яхши кўриш, рост сўзлаш, ота-онага яхшилик қилиш, камбағалнинг қорнини тўйдириш, йўлдан озор берадиган нарсаларни олиб ташлаш ва шуларга ўхшаш амалларни қилишда Оллоҳга ихлос билан бажарилса, иймонни зиёда қилади. Лекин бу амалларнинг бўлмаслиги иймонни йўққа чиқармайди ва уларнинг бўлиши иймонни бор қилиб ҳам кўймайди. Балки улар фитратнинг соғломлигини ва инсон унинг устида яратилган инсонийликнинг бузилмаганини билдиради ҳамда у ҳақни қабул қилишга яқинроқ бўлади: **"Бу Оллоҳ одамларни яратган асл табиатдир"**. (Рум: 30).

Иймон зиёдалашади, ноқислашади ва завол ҳам топади. У тоат билан зиёда, маъсият билан ноқис бўлади. У фақат куфр ва шикр билангина завол топади. Оллоҳ таоло деди: **"Фақат Оллоҳ (номи) зикр қилинганида қалбларига кўрқинч тушадиган, Унинг оятлари тиловат қилинганда иймонлари зиёда бўладиган ва Раббиларигагина суянадиган кишилар (ҳақиқий) мўминдирлар"**. (Анфол: 2).

"Ва иймон келтирган зотларнинг иймонлари эса янада зиёда бўлмай". (Муддассир: 31).

"У иймонларига иймон зиёда бўлиши учун мўминлар қалбига сокинликни нозил этган зотдир". (Фатх: 4).

Иймон куфрдан кейин фақат қуйидагилар билангина собит бўлади:

- Қалб сўзи ила эътиқод қилиш. Бу эса рисолатни ва қалб амалини тасдиқлаш билан рўёбга чиқади. Қалб амали эса, Оллоҳ ва расулининг муҳаббати ва Оллоҳ ва расули яхши кўрган нарсаларни яхши кўришдир;
- Сўнгра тилда талаффуз қилиш билан;
- Кейин аъзоларнинг амали билан барқарор бўлади.

Ким қалби билан тасдиқлаб, тили билан айтишга имкони бўлса-ю айтмаса, у мўмин эмас.

Ким қалбида тасдиқлаб, тили билан айтиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шариатига хос амалларни қилишга қодир бўлатуриб амал қилмаса, у ҳам мўмин эмас.

Энди кимки айтишни ёки амал қилишни истасаяю, унга кодир бўлмаса, маъзурдир. Оллоҳ деди: **"Оллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди"**. (Бақара: 286).

"Оллоҳ ҳар бир нафсни Ўзи берганидан ортиғига таклиф қилмас". (Талок: 7).

Олтинчи фасл

Оллоҳнинг олий сифатлари ва гўзал исмлари бордир. Бирор жонзот Оллоҳ Ўзини билганидан кўра Уни кўпроқ билувчи эмас. Шундай экан, У Ўзининг китоби ва пайғамбарининг суннатида Ўзидан инкор қилган нарсаларни биз ҳам инкор қиламиз ва Ўзи учун исбот қилган нарсани биз ҳам исбот қиламиз. Яна Ундан барча нуқсонларни, қисқача равишда инкор қилиб изоҳига киришмаймиз ва Унга барча камол маъноларни нисбатлаймиз, тафсилотини баён қиламиз ҳамда кайфиятига киришмаймиз, ўхшатмаймиз ва қиёсламаймиз.

Ким Оллоҳни батафсил нуқсон билан васфласа, биз ҳам ўша нуқсонни Оллоҳ Ўзидан жуфтни ва фарзандни инкор қилганига ўхшаб батафсил инкор қиламиз. Оллоҳ таоло деди: **"Унинг жуфти йўқ-ку, қаёқдан боласи бўлсин!"**. (Анъом: 101).

"У туғмаган ва туғилмагандир (яъни Оллоҳнинг ўғил-қизи ҳам, ота-онаси ҳам йўқдир. У азалий ва абадий зотдир)". (Ихлос: 3).

У Ўзидан яҳудийларнинг У бахил деган васфларини инкор қилди: **"Яҳудийлар:**

«Оллоҳнинг қўли боғлиқ (яъни бахил)», дедилар. — Ўзларининг қўллари боғланиб қолгай ва айтган гаплари билан лаънатга учрагайлар. — Йўқ! У зотнинг қўллари очикдир". (Моида: 64).

Биз ваҳийда ворид бўлган нарсани шундайлигича оламиз, исм ва сифатларда ворид бўлган нарсаларга ўхшаш, уни ҳақиқий суратда қабул қиламиз ва айрим нишонларини идрок қиламиз, унга зиёда қилмаймиз, зеро Оллоҳга ўхшаш бирон нарса йўқдир: **"У зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир. У эшитгувчи ва кўриб тургувчидир"**. (Шуро: 11).

Оллоҳнинг сифатларини бирор нарсага қиёслашимиз жоиз бўлмайди, чунки қиёс бўлиши учун унда асос ва ундан келиб чиққан тармоқ бўлиши лозим. Оллоҳ эса, ягона мислсиздирки, Унинг пастга давом этадиган давоми ҳам, юқорига кўратиладиган асли ҳам йўқ, У яккаю ёлғиздир, Сомаддир, У туғмаган ва туғилмагандир ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир.

Ақллар бир асбобдир. Оллоҳ уларни эшитган нарсасини кўрганига қиёслайдиган қилиб яратди. Ақл Оллоҳни илгаридан кўрмай туриб, Оллоҳ таоло ўзи ҳақидаги келтирган хабарини эшитади ва Уни кўрган намуналарининг энг яқинроғига қиёслайди.

Ҳар бир ақл илгари кўрган нарсага яраша тасаввур қилади ва кўрган нарсасига монанд кўриниш беради. Оллоҳ эса, ҳеч қайси ақлда Унинг мисоли йўқ бўлган зотдир. Шундай экан, биз зеҳнларимизга келган бемаъни мисолни инкор қиламиз деб, ўша сифатни ёки исмни инкор қилиш билан Оллоҳга хос бўлган бирор исмни, сифатни бузмаймиз-йўққа чиқармаймиз. Шу тарзда ботил қиёсни инкор қилиб, саҳиҳ хабарни ёлғонга чиқаришга тушиб қоламиз. Лекин биз қалбимизга келган бемаъни мисолни инкор қиламиз ва Оллоҳ у билан Ўзини сифатлаган ва номлаган исм-сифатни тасдиқлаймиз ва шу нуқтада тўхтаймиз. Оллоҳ деди: **"У уларни олдилари- даги нарсаларни ҳам, орқаларидаги нарсаларни ҳам билур. Улар эса, уни илм ила ихота қила олмаслар"**. (Тоҳа: 110).

"Кўзлар Уни идрок эта олмас, У кўзларни идрок этар. У латиф ва хабардор зотдир". (Анъом: 103).

Оллоҳ таоло осмонлар устидаги арши устидадир: **"Аввал ҳам, охир ҳам, зоҳир ҳам, ботин ҳам Унинг Ўзидир. У барча нарсани билгувчидир. У осмонлар ва ерни олти кунда яратиб, сўнгра Ўз аршига ўрнашган зотдир. У**

ерга кирадиган нарсаларни ҳам, ундан чиқадиган нарсаларни ҳам, самодан тушадиган нарсаларни ҳам, унга (самога) кўтариладиган нарсаларни ҳам билур. Сизлар қаерда бўлсангизлар, У сизлар билан биргадир. Оллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидир". (Ҳадид: 3, 4).

Оллоҳ таоло Ўзи истиво қилганини (аршга ўрнашганини)ва ҳамма нарсани билишини билдирди ва бандалари билан бирга эканлигидан хабар берди. У оятда айтганидек, улар билан илми, эшитиши ва кўриши билан биргадир: **"Сизлар қаерда бўлсангизлар, У сизлар билан биргадир".** (Ҳадид: 4).

Яна У Мусо ва Ҳорунга айтганидек, дўстлари билан илми, эшитиши, кўриши ва нусрати, қўллаб-қувватлаши ва паноҳи билан биргадир: "(Оллоҳ) **айтди: «Кўркманглар. Шак-шубҳасиз Мен сизлар билан биргаман – эшитиб, кўриб турурман".** (Тоҳа: 46).

Оллоҳнинг ҳамма нарсага шумул, комил машиъати-хоҳиши бор. У нимани хоҳласа, ўша иш бўлади ва ниманики хоҳламаса, бўлмайди. Биз машиъатини У Ўзи билдирганидек тасдиқ этамиз ва

аклонийларга ўхшаб ундан зиёда нарсаларга киришмаймиз. Улар амримаҳол нарсаларни қилиниши ва бир-бирига зид бўлган нарсалар орасини жамлаш ва ҳокозолар борасида баҳсга киришади. Оллоҳ таоло деди: **"Шундай, Оллоҳ истаган ишини қилур"**. (Оли Имрон: 40).

"Лекин Оллоҳ Ўзи хоҳлаган ишини қилади". (Бақар: 253).

"(У) арш соҳиби бўлмиш буюк зотдир. (У) истаган нарсасини амалга оширгувчидир". (Буруж: 15, 16).

Биз Оллоҳ таолога нисбатан ваҳийдан иборат, собит бўлган далил билдирганини тан оламиз. Ундан бошқа нарсаларда тўхтаймиз – чегарадан чикмаймиз. Қусурлардан ақл У зотга нисбатланишини манъ қилган, маҳзунлик, йиғламоқ, очқамоқ ва бошқа шу каби нарсаларни агарда далиллар тилга олмаган бўлсада, инкор қиламиз.

Еттинчи фасл

Қуръон Оллоҳнинг каломидир. Уни ҳарфлари, оятлари ва сураларини ҳақиқатан гапирди. Биз: "Қуръон маънодан иборат ҳам, уни ифодалайди ҳам", демаймиз. Биз Оллоҳ хоҳлаган пайтда гапирди, деймиз. Оллоҳ таоло деди: **"Оллоҳ Мусо билан (бевосита) Ўзи гаплашди"**. (Нисо: 164).

"Мусо мийқотимизга келганда, Раббиси унга гапирди". (Аъроф: 143).

Каломи Ўзининг сўзидир: **"Оллоҳ эса ҳақиқатни айтур"**. (Ахзоб: 4).

Оллоҳнинг каломи қалбларда сақланади: **"Йўқ у (яъни Қуръон) илм ато этилган зотларнинг кўнгилларидаги аниқ-равшан оятлардир"**. (Анкабут: 49).

Қулоқлар уни эшитади: **"(Эй Мухаммад), агар мушриклардан биронтаси сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоя қилинг, токи у Оллоҳнинг каломини эшитсин"**. (Тавба: 6). Қуръонни етказувчи шахс Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам бўлишлари, қуръонни Оллоҳнинг каломи бўлишидан манъ қилмайди.

У саҳифаларга ёзилган: **"Очиқ саҳифага ёзилган Китобга (Қуръонга) қасам"**. (Тур: 2, 3).

Оллоҳ уни Ўз хузурида Лавҳул-Маҳфузда сақлаб қўйган. **"Йўқ, у Лавҳул-Маҳфуздаги (яъни ҳар қандай бузилиш ва ўзгаришдан сақланган - ҳимояланган Лавҳдаги) буюк қуръондир"**. (Буруж: 21, 22).

"Дарҳақиқат у Бизнинг даргоҳимиздаги Асл Китобда (Лавҳул-Маҳфузда) юксак (мартабали) ва ҳикматли (китобдир)". (Зухруф: 4).

Унинг саҳифаларга ёзилганлиги Оллоҳнинг каломи бўлишидан тўсмайди, саҳифа (варақ, қоғоз) ҳам, сиёҳ ҳам махлуқ-яратилгандир. Оллоҳ таоло деди: **"(Эй Муҳаммад), агар сизга қоғозга (ёзилган) бир китоб туширсак"**. (Анъом: 7). Оятда китоб (ёзув) алоҳида ва қиртос, яъни қоғоз алоҳида нарса ҳолида зикр қилинди.

Оллоҳ таолонинг қуръонни гарчи яратилган қаламлар, яратилган сиёҳлар ёзса ҳам, уни Ўзининг каломи эканлигини билдирган ҳолда зикр қилди:

"Агар ер юзидаги бор дов-дарахт қаламлар бўлиб, денгиз (сиёҳ бўлса ва) ундан сўнг яна етти денгиз ёрдамга келса, Оллоҳнинг сўзлари тугаб-битмас". (Луқмон: 27).

"Айтинг: «Агар барча денгиз Парвардигоримнинг сўзлари (яъни, илму ҳикматларини битиш) учун сиёҳ бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирсак ҳам, Парвардигоримнинг сўзлари битишидан илгари, у денгизлар тугаб битар!». (Кахф: 109).

Қаламлар уни ёзадими, ёзмайдими, барибир, унинг барчаси Оллоҳнинг каломидир.

Кимки Оллоҳнинг каломи махлуқ-яратилган деса, кофир бўлади, чунки каломи Унинг сифатларидан бир сифатдир. Оллоҳ яратиши билан каломи орасини ажратиб, деди: **"Албатта, Парвардигорингиз – Оллоҳ шундай зотдирки, осмонлар ва ерни олти кунда яратиб, сўнгра Ўз аршига ўрнашди. У кечани кундузга ўрар (ва кеча кундузни) шошилган ҳолда қувиб юрар. У қуёш, ой ва юлдузларни Ўз амрига бўйсундирилган ҳолда (яратди). Огоҳ бўлингизким, яратиш ва буюриш фақат**

Уникидир. Барча оламлар Парвардигори — Оллоҳ буюкдир". (Аъроф: 54).

Оллоҳ таоло махлуқлари, яъни осмонлар ва ер, куёш, ой ва юлдузлар билан амри-буйруғи бўлган каломи орасини ажратди. У зот субҳонаҳу ва таоло амри-каломи билан махлуқотларни пайдо қилди: **"Ўз амрига бўйсундирилган ҳолда (яратди)".**

Оллоҳ қориларнинг товушларини яратди, бу эса икки лаб, тил, ҳалқум, ҳаво, сўлак ва уларнинг ҳаракатларини яратиш билан амалга ошди. Лекин бу, эшитилаётган нарса Оллоҳнинг каломи бўлишидан тўсмайди, Оллоҳ деди: **"Ҳолбуки улардан бир гуруҳи Оллоҳнинг каломини эшитадилар".** (Бақара: 75).

Эшитилган сўз, Оллоҳнинг каломидир, гарчи уни қорилар талаффуз қилаётган бўлсалар ҳам. Баъзи аҳли илмлар айтадиларки: "Товуш қорининг товушидир, калом эса Борийнинг (йўқдан бор қилувчи Оллоҳнинг) каломидир".

Саққизинчи фасл: Ақл ва нақл орасидаги боғлиқлик

Нақл ва ақл бирлашиши билан шаръий ҳақиқат идрок қилинади. Нақл ақлни, ақл эса нақлнинг керак эмаслигини ифодаламайди. Улардан биттасининг бўлмаслиги ҳақни тўла тушунмасликка олиб келади. Агар улар кўри-нишда бир-бирига зид келиб қолса, нақл ақлдан олдинга қўйилади, чунки нақл Яратувчи Зот-нинг комил илмидир, ақл эса яратилган махлуқ-нинг калта илмидир.

Ақл кўзга, нақл эса нурга ўхшайди. Кўз-лари ўтадиган инсон қоронғу зимистонда икки кўзидан фойдалана олмаганидек, оқил инсон ҳам ваҳийсиз ақлидан фойдалана олмайди. Кўз йўлини нурнинг миқдорига қараб топади, ақл ҳам ҳидоятни ваҳийнинг миқдорига яраша топади. Ақл ва нақлнинг мукамаллиги билан, худди кундузлари кўриш мукамал бўлганидек, ҳидоят ва идрок комил бўлади.

"Аввал ўлик (кофир) бўлган, сўнгра биз уни (динга ҳидоят қилиш билан) тирилтириб, унга одамлар орасида ўзи билан бирга олиб юрадиган нурни (иймонни) бериб қўйганимиз бир киши —

зулматларда қолиб кетган ва ундан ҳеч чиқувчи бўлмаган кимсага ўхшайдими?!", (Анъом, 122).

Оқил инсон кўчманчи қушлар ўз идрок-ларидан фойдаланганларидек, шу дунёда ўз ақлидан фойдаланади. Кўчманчи қушлар мав-сумга қараб бир жойдан бошқа жойга кўчиб боради. Улар ўз жойларини ахтариб топиб, унга уя қуради, бир-бирини танишлари баробарида душманларини ҳам биладилар.

Лекин кенг қамровда олганимизда, инсон ақли билан Раббисини топа олмайди (Уни таний олмайди). Инсон буни Пайғамбарга нозил қилинган ваҳий билангина билиши мукин. Инсон ваҳийсиз зулмат ичидадир:

"Оллоҳ мўминларнинг дўстидир. Улар-ни қоронғу зулматлардан ёруғлик — нурга чиқаради. Кофирларнинг дўстлари эса шайтонлардир. Улар кофирларни ёруғлик-нурдан қоронғу-зулматларга чиқарадилар. Ана ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажаклар", (Бақара, 257).

Оятда: "Оллоҳ уларни чиқаради", деди, чунки улар нурсиз зулмат ичида эдилар. Гарчи ёруғликнинг нур ва олов каби турлари бўлса ҳам, у битта бўлганидек, ваҳийнинг ҳам китоб ва суннат

сингари турлари бўлса-да, ўзи биттадир. Оллоҳ таоло деди:

"Эй мўминлар, Оллоҳга итоат қилингиз ва Пайғамбарга итоат қилингиз!", (Нисо, 59).

Кимда-ким: "Мен ваҳийсиз, ўз ақлим билан Оллоҳга элтувчи йўлни топаман", деса, у худди: "Мен ёруғлик бўлмаса ҳам кўраман, йўлимни топа оламан", деган кимсага ўхшайди. Ҳар иккаласи ҳам мутлақ зарур бўлган нарсани инкор қилди, биринчиси динни, иккинчиси дунёни инкор қилди.

Оллоҳ таоло Ўз ваҳийини, у билан халқлар тўғри йўлни топадиган нур деб номлади:

"Бас, унга иймон келтирган, уни улуғ-лаб, унга ёрдам қилган ҳамда унинг (келиши) билан нозил қилинган нурга (яъни Қуръонга) эргашган зотлар — ана ўшаларгина нажот топгувчилардир", (Аъроф, 157). У зот пайғамбарларни ва уларнинг издошларини ҳидоят қилди.

Оллоҳ амр этган ва қайтарган нарсаларга бўйсунамиз ва хабар берган нарсаларни тасдиқлаймиз. Сабабини билсак иймон келтирамиз, сабабини билмасак ҳам иймон келтириб, таслим бўламиз-бўйсунамиз. Зеро, тушунарли бўлган барча нарсани ҳар бир ақл идрок қилади, энди ақллар идрок қилолмайдиган ва барча ақл унинг устида

жамланиши ирода қилинган нарса қан-дай идрок қилинсин?!

Кимки: "Мен Оллоҳнинг ҳукмидан фақат ақл уни идрок қилган нарсагагина иймон келтираман, идрок қилмаганига иймон келтир-майман", деса, бу инсон ақлни нақлдан устун қўйган бўлади. Зеро ақл бирор нарсани идрок қилолмаса, у нарсанинг вужуди йўқ, у бўлиши мумкин эмас, дегани келиб чиқмайди, балки ўша нарса унга тушунарсиз бўлган бўлади. Кўзнинг кўриш чегараси бўлганига ўхшаб, ақлнинг ҳам етиб бориши мумкин бўлган чегараси бор. Кўз ва ақл кўра оладиган чегарасида тўхтайди, лекин борлиқ ва мавжуд нарсалар, кўз ва ақлнинг чегараси тугаши билан тугаб қолмайди. Эшитишнинг ҳам чегараси бор, бу чегара ниҳоясига етиши билан товушлар тугаб қолмайди-ку! Масалан, чумолининг эшитилмайдиган товуши бор ва коинотда кўз илғамайдиган фазо, юлдуз-лар ва сайёралар бор.

Тўққизинчи фасл: Оллоҳнинг диний ва дунёвий ҳукмлари ва уларнинг баробар эканлиги. Шариатнинг барча замонларни ислоҳ қилиш учун нозил қилинганлиги. Нусусда далил бўлмаган ўринда ижтиҳод қилиш ҳақида

Шариат ёлғиз Оллоҳнинг Ўзига хосдир. У илми ва ҳикмати билан хоҳлаган нарсани ҳалол ва хоҳлаган нарсани ҳаром қилади. Унинг шариати дин ва дунё манфаати учун келди. Оллоҳнинг мукаллаф бандалар зиммасига юкла-ган буйруқ ва қайтариқлари бирор замон ёки маконда улардан кўтарилмайди, фақат Унинг изни билангина кўтарилиши мумкин.

Биз Унинг дин ва дунё ишларида чиқар-ган ҳукмлари орасини ажратмаймиз. Зеро, ҳукмларнинг ҳаммаси диний ва дунёвий тақлиф-лардан иборатдир:

Диний тақлифлар: намоз, рўза, ҳаж, зикр ва масжидларни обод қилиш кабилар бўлса;

Дунёвий тақлифлар: савдо-сотик, никоҳ, талоқ ва мерос кабилардир.

Кимки диний ва дунёвий тақлифлар орасини ажратиб, диний ҳукмларни Оллоҳ учун, дунёвий ҳукмларни ундан бошқаси учун қилса, кофир

бўлади. Чунки шариатнинг ҳаммаси Оллоҳга хосдир. Ким ҳукми Оллоҳдан бошқа бирортага қилса, гўё саждани Ундан бошқага қилгандек бўлади:

"Ҳукм қилиш фақат Оллоҳнинг Ўзига хосдир, У фақат Ўзигагина ибодат қилишингизни амр этди", (Юсуф, 40).

Бану Исроил мана шу сабабдан кофир бўлди: **"Улар Оллоҳни қўйиб ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини ҳамда Масих бинни Марямни Парвардигор деб билдилар. Ҳолбуки, фақат ягона Оллоҳга бандалик қилишга маъмур (буюрилган) эдилар. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. У зот уларнинг ширкларидан покдир", (Тавба, 31).** Бу ўринда Оллоҳ уларнинг ишларини ширк деб номлади.

Оллоҳ китобини нозил қилиб, шариатини ўрнатди. У қандай ҳолатлар бўлишини ва бўлиб ўтган ҳодисаларни, худди ҳозирни ва шариати тушган замонни кўриб, билгани каби билади. Унинг бир ҳодиса ҳақидаги илми, ўша ҳодиса-нинг олдин бўлиб ўтганлиги ёки энди рўй беришлиги сабабли озайиб қолмайди. Шунинг-дек, Унинг бир ҳодиса ҳақидаги илми, ўша ҳодисанинг ҳозир юз бериб турганлиги сабабли зиёда ҳам бўлмайди. Бўлиб

ўтган, энди рўй берадиган, hozир бўлаётган ва яширин бўлган ходисаларнинг илми Унинг наздида баробардир, У ҳар қандай айбу нуқсонлардан пок ва олий зотдир.

Кимда-ким Оллоҳнинг ҳукми бошқа замонларга эмас, фақат ҳукм туширилган замон учун яроқли, шундай экан одамлар нимани яроқли деб билсалар, агарчи Оллоҳнинг ҳукмига муҳолиф бўлса ҳам бўлаверади, деб ҳисобласа, кофир бўлади. Чунки буни гапирувчи шахс, инсоннинг идроки кўриниб турган ва кўринма-ган нарса ўртасида фарқли бўлишига биноан унинг ҳукми ҳам ўзгаради, деб ҳисоблаб, Оллоҳ-га нисбатан ҳам шундай деб ўйлайди. Шунга кўра, инсон ҳозирни билишини, Оллоҳнинг ваҳий нозил қилаётгандаги ғайбни-келажакни билишидан олдинга кўяди. Бу эса, куфр ва ширкдир. Оллоҳнинг илми бўлган ва бўлмаган нарсаларда бир хилдир:

"У ғайбу-шаҳодатни (яъни йўқу-борни) билгувчидир. Бас у (мушрикларнинг) ширкларидан юксакдир", (Муминун, 92).

Оллоҳнинг бўлиб турган нарсадаги ҳукми, ҳали бўлмаган нарсадаги ҳукми кабидир:

"Айтинг: «Оллоҳим, — (эй) осмонлар ва Ерни илк яратгувчи зот, (эй) ғайбу шаҳодатни

(яъни яширин ва ошкор нарсаларни) **билгувчи зот, ёлғиз Ўзинггина бандаларинг ўртасида улар ихтилоф қилиб ўтган нарсалар ҳақида ҳукм қилурсан»,** (Зумар, 46). Оллоҳ таоло гувоҳ бўлиб турган ва у ерда бўлмаган бандалари ўртасида ҳукм қилади.

Кимки дин ҳукмини дунё ҳукмидан ажра-тиб, Либералларга ўхшаб Оллоҳни дин учун, инсонни эса дунё учун ҳукм чиқарувчи қилса, унда бир қанча ҳукм чиқарувчи қилиб олган бўлади, ваҳолангки ҳукм ёлғиз Оллоҳга хосдир:

"Ё китобнинг бир қисмига ишониб, бир қисмини инкор қиласизми?", (Бақара, 85). Кимки Куръоннинг бир қисмига кофир бўлса, ҳаммаси-га кофир бўлган бўлади.

Оллоҳ одамлар ўртасида Пайғамбари сол-лаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган Китоб (Куръон) ва ҳикмат (Суннат) билан ҳукм қилишга буюрди:

"(Эй Мухаммад), улар ўртасида Оллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг ва Оллоҳ сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан сизни буриб, фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг!", (Моида, 49).

Оятдаги ҳукм қилишдан мурод: хусумат-ларда ва ўрталарида чикқан келишмовчилик-ларда ҳукм қилишдир.

Фитнадан мурод: Оллоҳнинг ҳукмидан чиқишлик демакдир.

Ваҳий батафсил баён қилмаган нарсани мужтаҳидлар баён қилади. Ижтиҳоднинг шарти эса, Оллоҳнинг собит ҳукмига муҳолиф бўлмаслигидир.

Одамларнинг ҳукмлари ва қарашлари Оллоҳнинг ҳукмига муҳолиф бўлганда, одамларнинг ҳукмлари устун қўйилмайди. Агар халқларнинг ҳукми олдин қилиниши мумкин бўлганда эди, пайғамбарлар ҳақдан чиқиб кетган бўлардилар. Чунки улар ботил узра турган қавмлар ёки аксарияти ботилда бўлган қавмлар орасида яшаган эдилар.

Ўнинчи фасл: Оллоҳнинг қазои қадари. Унинг хоҳиш-иродаси ва сабаблар ҳақида

Оллоҳ халқларни яратишдан олдин улар-нинг тақдирларини белгилаб қўйди. Ҳар бир махлуқ-яратилган нарса, пайдо қилинишидан олдин унинг тақдири яратилди. Оллоҳ деди:

"Ва У барча нарсани яратиб (аниқ) ўлчов билан ўлчаб қўйган зотдир", (Фурқон, 2).

"Албатта Биз ҳар бир нарсани (аниқ) ўлчов билан яратдик", (Қамар, 49).

"Оллоҳнинг амри иродаси тақдири аза-лий бўлди", (Ахзоб, 38).

Оллоҳ тақдирларни яхшисини ҳам, ёмони-ни ҳам яратди. "Саҳиҳ"да ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам деди: *"Иймон: ... ва қадарнинг яхши-ёмонига иймон келтиришингдир"*¹.

Қадари учун Оллоҳнинг илми лозимдир, зеро тақдирларни фақат уларни билган Зотгина белгилай олади. Тақдирнинг тафсилотлари, нозик жиҳатлари, содир бўладиган ўринлари, ўзгаришлари,

¹ Муслим ривояти, (8).

бошланиши ва тугашили фақат уларни яратган Зотгина билади:

"Токи сизлар Оллоҳнинг барча нарсага қодир эканлигини ва Оллоҳ барча нарсани (Ўзи) билими билан иҳота қилиб олганини билишларингиз учун (У зот сизларга юқорида зикр қилинган нарсалар ҳақида хабар берди)", (Талок, 12).

"(Ахир) яратган зот (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) билмасми?! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) хабардор зотдир", (Мулк, 14).

Кимки Оллоҳнинг тақдирини инкор қил-са, Унинг илмини инкор қилган, ким Унинг илмини инкор қилса, Унинг тақдирини инкор қилган бўлади.

Халқларнинг тақдирлари Оллоҳнинг ҳузур-ридаги китобда ёзиб қўйилгандир:

"Китобда (яъни тақдири азал китобида) бирон нарсани қўймай (ёзганмиз)", (Анъом, 38).

"Барча нарсани Биз очик Китобда (яъни Лавҳул-Маҳфузда) белгилаб қўйгандирмиз", (Ёсин, 12).

Оллоҳнинг халқлари икки турга бўлина-ди:

* Ихтиёр берилмасдан бўйсундириб қўйилган халқлар. Юлдузлар ва сайёралар шулар жумласидандир.

* Ихтиёр ва хоҳиш берилган халқлар. Улар инсонлар, жинлар ва малоикалар сингари халқлардир. Оллоҳ уларга ихтиёр бермай, гуноҳга мажбурлаб, сўнгра гуноҳлари сабабли азобламайди. Шунингдек, уларга ихтиёр берилиб, феъл ва иродада Оллоҳ билан шерик ҳам бўлмадилар. Балки Оллоҳ уларнинг хоҳишларини Ўзининг хоҳишига боғлиқ қилди:

"У (Қуръон) ҳеч шак-шубҳасиз бутун оламлар учун бир эслатмадир. Сизлар фақат бутун оламлар Парвардигори бўлмиш Оллоҳ хоҳласагина (бирор нарсани) хоҳларсизлар", (Таквир, 28-29).

Оллоҳ бандаларни ҳам ва уларнинг амал-ларини ҳам яратди:

"(Иброҳим қавмига) Ўзларингиз йўниб-ясаб олган нарсаларга ибодат қилурми-сизлар?! Холбуки, сизни ҳам, қилган нарса-ларингизни ҳам Оллоҳ яратган-ку?!, деди", (Соффат, 95-96).

Оллоҳ сабабларни ва мусаббабларини яратди. Бу Унинг илмининг кенглигини ва борлиқни

қонунлар ва тартибларга кўра бошқа-ришдаги ҳикматининг буюклигини тақозо қила-ди.

Ақл Оллоҳнинг тақдиридан бўлган нарса-даги ҳикматини ва ҳақиқатини тушунмаслик билан иймондан воз кечиши жоиз бўлмайди. Ақл тақдирни тўлиқ тушунмаслиги ҳикмат-дандир. Зеро ақл идиш кабидир, баъзи ҳикмат-лар эса, улкан ҳажмдаги денгиз суви кабидирки, агар у ақл идишининг устига қуйилса, уни эгал-лаб, довдиратиб қўйиши тайиндир.

Баъзи ҳикматлар ҳақида узоқ фикр қилиш, худди кундузлари куёшга узоқ терми-лиш фақат кўзни оғришини ва ҳайратни зиёда қилганига ўхшаб, фақат ҳайратнигина зиёда қилади, холос.

Ўн биринчи фасл: Ўлим, қайта тирилиш, ҳисоб-китоб, савоб ва жазо берилиши ҳамда охират ишлари ҳақида

Ўлим ҳақдир:

"(Ер) юзидаги барча жонзот фонийдир. Буюклик ва карам соҳиби бўлган Раббин-гизнинг юзи — Ўзигина боқий мангу қолур", (Раҳмон, 26-27).

Қуйидагилар иймондандир:

- Ўлимдан кейин бўладиган, Ваҳий кел-тирган нарсалар: қабр фитнаси, азоби ва неъма-тига иймон келтириш.

- Қайта тирилишга иймон келтириш:

"(Қиёмат соати келиб фаришта Исрофил-нинг) сури чалиниши билан баногоҳ улар қабрларидан Парвардигорлари ҳузурига (ҳисоб-китоб учун) суғурилиб чиқурлар", (Ёсин, 51).

Бунга шак-шубҳа қилувчи Оллоҳга кофир бўлади:

"Энди кофир бўлган кимсаларга келсак, (бас уларга айтилур): «Ахир сизларга Менинг оятларим тиловат қилинган эмасмиди?! Бас, сизлар (у оятларга иймон келтирмасдан) кибру-ҳаво қилдинглар ва жинойтчи қавм

бўлдинглар!». Қачон (сизларга) «Дарҳақиқат Оллоҳнинг ваъдаси ростдир, (Қиёмат) соати шак-шубҳасиз (келгувчидир)», дейилса, сиз-лар «Биз у соат нима эканини билмаймиз, фақат гумон қиламиз, холос. Биз (Қиёмат соати келишига) аниқ ишонгувчи эмасмиз», дединглар", (Жосия, 31-32).

Шубҳа қилувчининг ҳоли шу бўлса, энди Охират кунини ёлғонга чиқарувчини қандай бўлсин?!

"Йўқ, улар соатини ёлғон дедилар. Биз эса у соатни ёлғон деган кимсалар учун дўзах ўтини тайёрлаб қўйгандирмиз", (Фурқон, 11).

- Ҳисоб-китоб қилинишига иймон келти-риш:

"Биз қиёмат куни учун адолатли мезон-тарозилар қўюрмиз, бас, бирон жонга заррача зулм қилинмас. Агар хардал (ўсимлигининг) уруғидек (яхши ёки ёмон амал қилинган) бўлса, ўшани-да келтирурмиз! Биз Ўзимиз етарли ҳисоб-китоб қилгувчидирмиз", (Анбиё, 47).

- Савоб ва жазо берилиши, жаннат ва дўзах борлигига иймон келтириш:

"Бас, энди бадбахт кимсалар дўзахда бўлиб, у жойда оху фарёд қилурлар", (Худ, 106).

"Энди бахтиёр зотлар эса жаннатда бўлурлар", (Худ, 108).

Кофирлар дўзахда, мўминлар эса жаннат-да бўлурлар:

"Бас, кофир бўлган кимсаларга дунё ва охиратда қаттиқ азоб-ла азоб берурман. Ва улар учун ҳеч қандай ёрдамчи бўлмас. (Оллоҳ) иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга эса ажрларини комил сурат-да берур. Оллоҳ зулм қилгувчиларни севмай-ди", (Оли Имрон, 56-57).

- Китоб ва суннатда келган сирот кўприги, тарози, ҳовуз, яхши ва ёмон амалларнинг саҳифаларини берилишига ўхшаш охират ишлари-дан бўлган барча нарсаларга иймон келтириш ҳам иймондандир.

Ўн иккинчи фасл: Жамоат, имомлик ва унга итоат. Волий бўлишнинг шартлари, унга қарши бош кўтаришнинг ҳукми, унинг зиммасидаги халқнинг ҳуқуқи ва бунда олимларнинг ўрни ҳақида

Жамоатни ушлашлик вожибдир, жамоат эса имом-бошлиқсиз бўлмайди.

Оллоҳга осий бўлинмайдиган ўринларда мусулмонларнинг имомига итоат қилинади:

"Эй мўминлар, Оллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган ҳокимларга бўйинсунингиз!", (Нисо, 59).

"ўзларингиздан бўлган", дегани мусулмонлардан бўлган деганидир.

Кофирнинг мусулмонлар устида бошлиқ бўлиши ҳам, унга байъат қилиниши ҳам тўғри эмас. Унга итоат қилиш ҳам вожиб эмас. Фақат унга унинг эмас, одамларнинг дунёси ўнглана-диган ўринда итоат қилиш мумкин.

Агар бошлиқ олим бўлмаса, дин ва дунё ишларини тўғрилаш учун олимни ўз ёнига олади:

"Қачон уларга тинчлик ёки хавф-хатар хабари келса, уни ёйиб юборадилар. Агар (улар ўзларига келган хабарни ҳар кимга ёйиб юрмасдан)

пайғамбарга ва ўзларидан бўлган бошлиқларгагина етказганларида эди, уни (яъни мана шу хабарнинг ҳақиқатини) билмоқчи бўлган кишилар ўшалардан бил-ган бўлар эдилар", (Нисо, 83). Фақат олим киши-гина тўғри хулоса чиқара олади.

Мусулмон бошлиққа қарши бош кўтариш ва буйруғига қарши чиқиш мумкин эмас. Модомики очик, ошкор куфр амални қилмаётган бўлса, унинг зулмига сабр қилинади. "Саҳиҳ"да Умму Саламадан ривоят қилинади, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: *"Ҳали сизларга амирлар тайин қилинади. Сизлар улардан яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам кўрасиз-лар. Ким (уларнинг ёмонликларини) ёмон кўрса, улар(нинг гуноҳи)дан пок бўлибди. Ким инкор этса, (гуноҳ уқубатидан) қутулибди. Бироқ, уларнинг ёмонликларига рози бўлган ва эргашган киши (ундай эмасдир)",* дедилар. Саҳобалар: "Ё Расулаллоҳ, улар билан уруш қилайликми?", деб сўрадилар. Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *"Модомики, намоз ўқир эканлар, йўқ",* деб жавоб бердилар"¹.

Бошлиқдан ўч олиб, нафсини қондириш учун эмас, балки ундаги ёмонликни кетказиш ёки уни

¹ Муслим ривояти, (1854).

камайтириш мақсадида унга илм ва ҳикмат билан насиҳат қилинади. "Саҳиҳ"да Тамим ибн Авс Дорий ривоят қилинади: Расулulloҳ соллалллоҳу алай-ҳи ва саллам дедилар: *"Дин бу насиҳатдир (яъни холис туришлиқдир)"*. Саҳобалар: Ким учун?, деб сўрадилар. *"Оллоҳ учун, Унинг китоби учун, Расули учун ҳамда мусулмонларнинг раҳбарлари ва оммалари учун!, деб жавоб бердилар"*, Набий соллалллоҳу алайҳи ва саллам¹.

Бошлиқнинг айбини қидириш, хатосини фош қилиш, салбий томонлари ва гуноҳларини тарқатиш жоиз эмас, балки бу ҳақида унинг ўзига айтилади.

Агар бошлиқ одамлар учун бемаъни-мункар қарор чиқариб, ўшани эълон қилса, унга йўл қўйган хатоси бирдирилганда фикридан қайтиб, хатосини тузатиши маълум бўлса, унга етказишлик шарт бўлади. Акс ҳолда, билган киши одамларга ўша мункарни баён қилади, чунки одамларга насиҳат қилиш, унга вожиб ҳамда ўзининг ва одамларнинг динларининг ҳаққидир. То шариат ўзгармаслиги ва дин бузил-маслиги учун: *"Дин: Оллоҳ учун, Унинг китоби, Расули ҳамда мусулмонларнинг раҳбарлари ва оммалари учун насиҳатдир (яъни холис туриш-*

¹ Муслим ривояти, (55).

ликдир)!". Бу ўзгаларнинг ҳақларини муқаддам кўйишдир.

Олим киши одамларнинг умум манфаатли ишларидан ўзини четга олмайди. Унинг ўз манфаати учун дунёдан узоқ бўлиши мақтовга лойиқ бўлса, одамларнинг дунё манфаатларида улардан узоқ бўлиши, қоралангандир. Шундай экан, бир дирҳам билан бўлса-да мазлумга ёрдам берсин, битта хурмо билан бўлса-да қорни очни таомлантирсин. Чунки олимнинг бошқарув хусусияти бор. Одамларнинг дунёсини тузатиш, уларнинг динларини ислоҳ қилиш бобидандир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дунёга қайрилиб қарамасликлари баробарида Барира ва ундан бошқаларга арзимас динорларни бериб бўлса-да ёрдам қилдилар. Бу ҳақида одамларга хутба ҳам қилдилар.

Ўн учинчи фасл: Жиход, унинг турлари ва шартлари. Ундаги ният ва имомга итоат қилиш ҳақида

Жиход қиёмат қоим бўлгунига қадар давом этади. Модомики, Қуръон Ер юзида турар экан, жиходнинг ҳукми ундан бир кунга бўлса ҳам кўтарилмайди. "Саҳиҳ"да Жобирдан ривоят қилинади, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *"Умматимнинг бир тоифаси то қиёмат жиход қилиш билан ҳақ узра зоҳир бўлиб қолаверади"*¹.

Ҳимояланиш мақсадида қилинган жиход учун имомнинг (мусулмон раҳбарнинг) рухсати ҳам, ният ҳам шарт қилинмайди. У кулфату-азиятни кўтариш ва уни йўқотиш мақсад қили-нади. Номусни ёки жонни ёда молни ҳимоя қилиш учун бўлсин, жиход вожибдир. "Сунан"да ривоят қилинади: *"Кимки моли учун ўлдирилса, бас у шаҳиддир. Кимки оиласини ё ўз жонини ёки динини*

¹ Муслим ривояти, (156).

ҳимоя қилишида ўлдирилса, бас у шаҳид-дир"¹. Бу ҳадис "Саҳиҳ"да мухтасар ривоят қилинган².

Ор-номусга, жонга ва молга тажовуз қилувчи, хоҳ мушрик, хоҳ мусулмон бўлсин, унга қаршилиқ қилиб, уни қайтариш вожибдир. Насоий Қобусдан, у отасидан ривоят қилиб деди: *"Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: "Биров келиб, молимни ноҳақ олмоқчи бўлса нима қиламан?", деб сўради. "Унга Оллоҳни эслат", дедилар. "Панд-насиҳат қор қилмаса-чи?", деди. "Атрофингдаги мусулмонлар-ни ёрдамга чақир", дедилар. "Атрофимда бирор-та ҳам мусулмон бўлмаса-чи?", деди. "Султондан ёрдам сўра", дедилар. "Султон мендан юз ўғирса-чи?", деди. "Молингни ҳимоя қилиб уриш, ё охираат шаҳидларидан бўласан, ё эса молингни сақлаб қоласан", дедилар³.*

Талаб жиҳодида эса, Оллоҳнинг калима-сини олий қилиш учун ният қилиш вожиб бўлади.

¹ Саъид ибн Зайд разияллоҳу анҳунинг ривояти. Абу Довуд (4772), Термизий (1421), Насоий (4095), Ибн Можа мухтасар ривоят қилган (2580). Термизий: бу ҳасан ҳадисдир, деган.

² "Саҳиҳул-Бухорий" (2348), "Саҳиҳу Муслим" (141) да Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади.

³ Насоий (4081), Ибн Аби Шайба (28043), Аҳмад (22514), Табароний "Кабир" (313/20)да ривоят қилишган.

"Саҳиҳ"да Абу Мусо ал-Ашъарийдан ривоят қилинади: *"Бир аъробий киши Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига келиб: Бир киши ганимат учун жанг қилади, бошқа бири риё учун, ва яна бири қавмидаги мақоми учун жанг қилади. Шуларнинг қайси бирлари Оллоҳ йўлида?, деб сўради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Кимки Оллоҳнинг калимаси устун бўлишлиги учун жанг қилса, ўша Оллоҳнинг йўлидадир!" деб, жавоб бердилар"*¹.

Жиҳоднинг бу турида бошлиққа итоат этиш вожибдир. Оллоҳга маъсият бўлмаган иш-ларда унга қулоқ солиб, бўйсунилади. "Саҳиҳ"да ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *"Ким менга итоат қилса, шубҳа-сиз, у Оллоҳга итоат қилибди. Ким менга осий бўлса, шубҳасиз, у Оллоҳга осий бўлибди. Ким менинг амиримга итоат қилса, шубҳасиз, у менга итоат қилибди. Ким амиримга осий бўлса, шубҳа-сиз, у менга осий бўлибди"*².

¹ Бухорий (123, 2655) ва Муслим (1904) ривояти.

² Бухорий (6718) ва Муслим (1835) ривояти. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

Ўн тўртинчи фасл: Куфрнинг ҳукми ва унга олиб борувчи нарсалар. Муайян шахсларга жаннат ва дўзах ҳукмини бериш ҳақида

Биз аҳли қибладан бирор кишини куфр-дан бошқа гуноҳи сабабли кофирга чиқармай-миз.

Оллоҳни ҳақоратлаш-сўкиш, куфрдандир.

Оллоҳни сўкиш: Унга шикр келтиришдан кўра каттароқ гуноҳдир, чунки мушрик Оллоҳни тошнинг манзилига туширмади, балки тошни Оллоҳнинг мартабасига чиқарди:

"Оллоҳ номига қасамки, албатта бизлар сизларни (эй бут ва санамлар!) барча оламларнинг Парвардигорига тенглаштирган пайтимизда очик залолатда бўлган эканмиз", (Шуъаро, 97-98).

Кимки Оллоҳни сўкса, Уни тошнинг манзилатидан ҳам паст ўринга туширган бўла-ди!

Оллоҳни сўкиш: катта куфрдир. Куфр ҳам иймонга ўхшаб ортади ва камаяди. Оллоҳ таоло деди:

"Албатта иймон келтирганларидан кейин кофир бўлган, сўнгра куфрлари янада зиёда бўлган кимсаларнинг қилган тавба-лари ҳаргиз

кабул қилинмайди. Ана ўшалар ҳақ йўлдан тойилгувчилардир", (Оли Имрон, 90).

Лекин унинг зиёда бўлиши-ю, озайиши кофир кимсани дўзахдан олиб чиқмайди, балки азобининг қаттиқроқ ёки енгилроқ бўлишига сабаб бўлади, холос:

"Кофир бўлган ва (одамларни) Оллоҳ-нинг йўлидан тўсган кимсаларга бузғунчи-лик қилганликлари сабабли азоб устига азоб-ни зиёда қилурмиз", (Наҳл, 88).

Биз Оллоҳ ва расули гувоҳлик бермаган муайян киши учун жаннатни ҳам, дўзахни ҳам гувоҳлик бермаймиз. Лекин умумий тарзда, кимки мўмин ҳолида ўлса, у жаннат аҳлидан ва кимки кофир ҳолида ўлса, у дўзах аҳлидан бўлади, деб айтишимиз мумкин.

Ўн бешинчи фасл: Убудият. Хурриятнинг хақиқати ва чегараси

Хурриятнинг хақиқати, аслида Оллоҳдан бошқа ҳеч кимга куллик қилмасликдир. Хуррият тушунчаси эса, Оллоҳнинг амридан чиқиш ва нафсга топиниб, ҳавойи-хоҳишга бандалик қилишдир. Оллоҳ деди:

"(Эй Муҳаммад), ҳавойи нафсини ўзига «илоҳ» қилиб олган ва Оллоҳ уни билган ҳолида йўлдан оздириб, қулоқ ва кўнглини муҳрлаб, кўз олдига парда тортиб қўйган кимсани кўрганмисиз? Бас, уни Оллоҳ (йўлдан оздиргани)дан сўнг ким ҳидоят қила олур?! Ахир эслатма-ибрат олмайсизларми?!", (Жосия, 23).

Ким инсон учун истаган нарсани, иста-ганидек ва истаган маҳали қилиши ва айтишига имкон берса, у унинг ҳавойи нафси ва шайто-нига бандалик қилиши мумкинлигини эътироф қилган бўлади. Ҳолбуки, инсон банда қилиб яратилди, агар у Оллоҳга бандалик қилмаса, Ундан бошқа бирининг бандасига айланиши аниқдир!

Агар Ер юзида биттагина одам бўлганда эди, Оллоҳ унга қатл, бўҳтон ва зино ҳадларини (жазоларини) ҳамда номахрамларнинг аврат-ларига

карамаслик ва меросни фарз қилмаган, унга зино, рибо ва бошқа нарсаларни харом қилмаган бўларди. У билан бирга бошқа одамлар бўлгани сабабидан юқорида зикр қилинганларни унга фарз қилди. У одамдан бошқаларнинг сони ортса, ҳаёт тартиби ҳам ортади.

Оллоҳ ойни коинот низомига қуёш, Ер ва юлдузлар билан бирга сайр қилиши тартибга қўйилгандан кейингина қўйди, агар ой якка ўзи бўлганда эди, уни фалакда сайр қилдирмас эди. Коинотда сайёралар қанча кўпайса, тартиб интизом ҳам шунча ортади. Оллоҳ деди:

"Албатта, Парвардигорингиз – Оллоҳ шундай зотдирки, осмонлар ва Ерни олти кунда яратиб, сўнгра Ўз аршига ўрнашди. У кечани кундузга ўрар (ва кеча кундузни) шошилган ҳолда қувиб юрар. У қуёш, ой ва юлдузларни Ўз амрига бўйсундирилган ҳолда (яратди). Огоҳ бўлингизким, яратиш ва буюриш фақат Уникидир. Барча оламлар Парвардигори — Оллоҳ буюқдир", (Аъроф, 54).

"На қуёш учун ойга етиш мумкин бўлур ва на кеча кундуздан ўзгувчидир. (Қуёш, ой ва юлдузларнинг) барчалари фалакда сузиб юрур", (Ёсин, 40).

Дарҳақиқат, Ислом ҳукмлари дин ва дунёни тартибга солиш учун келди. Кимки ўзига Оллоҳнинг ҳукмидан чиқишига имкон берса, Унинг азобига ҳақли бўлиб қолади.

Исломга кириш тўппа-тўғридир, ундан чиқиш эса, муртадлиқдир:

"Сиздан кимки диндан қайтиб, кофир ҳолида ўлиб кетса, ундай кимсаларнинг қилган амаллари дунёю охиратда беҳуда кетур. Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолгувчилардир", (Бақара, 217).

"Саҳиҳ"да ва бошқа ҳадис китобларда ворид бўлган ҳадисда, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *"Ким динини ўзгартирса, уни ўлдиришлар"*¹.

Оллоҳга бандалик: яралиш ва йўқдан бор бўлишнинг асл мақсадидир. Ким ундан чиқишга имкон берса, у мўмин бўлмайди. Чунки Оллоҳга бандалик қилиш, яралишнинг ғоясидир. Давлат бўлсин, қонун бўлсин, дунё низомларидан чиқишга рухсат бермайди-ю, бироқ Оллоҳнинг убудиятидан чиқишга индамай кўяверади! Бу эса, халқларнинг яратилиш ғоясининг заифлиги ёки у нарсани унинг

¹ Бухорий (2854) Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилган.

қалбидан ўчиб кетган-лигининг ботиний иқроридир. Ҳолбуки Оллоҳ шундай деган:

"Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим", (Зориёт, 56).

Инсонлар ва жинларни дунёда Ўзига ибодат қилишлари учун яратган Зот, охиратда уларни ҳисоб-китоб қилиш, савоблари ва жазо-ларини бериш учун маҳшарга келтиради.

Оллоҳ бизнинг аҳволу-оқибатимизни ислоҳ қилсин!

Оллоҳнинг пайғамбарига ва унга эргашганларга Оллоҳнинг салоту саломи бўлсин.